

**МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА КИЧИК  
БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ  
АҲАМИЯТИ**

**А.Каримова**

*“ТИҚХММИ” МТУ эркин тадқиқотчи*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштиришнинг аҳамияти очиб берилган. Шунингдек Ўзбекистон экспортида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлили ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтиришнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** экспорт, импорт, тадбиркорлик, субъект, инвестиция, ишлаб чиқариш, самарадорлик, кичик бизнес.

**Кириш.** Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва яратилган тегишли норматив-ҳуқуқий база иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг улушини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишда тадбиркорларимизни рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари экспортининг мамлакатимиз умумий экспортидаги улуши охириги 15 йилда уч мартаба ортиб, бугунги кунда бу кўрсаткич 27 фоизга етди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳажми 2022-йилда илк бор 50 миллиард долларга етди, дея хабар бермоқда Давлат статистика қо‘митаси ҳисоботида. Ташқи савдо айланмаси ўтган йилга нисбатан 18,6 фоизга ошди. Йил бошидан экспорт 19,3 млрд долларга (+15,9%), импорт 30,69 млрд долларга (+20,4%) етди. Ташқи савдо тақчиллиги 11,39 миллиард доллардан ошди ва 2021-йилга нисбатан 2,5 миллиард доллардан ортиқ ўсди. Ўзбекистон ишлаб чиқариш маҳсулотларидан энг кўп даромад олди – 4,44 миллиард доллар (+2,5 фоиз). Бу миқдорнинг ярми газлама ва ип-калава (-0,7 фоиз), яна 1,53 миллиард доллар (-4,4 фоиз) рангли металллар ҳиссасига тўғри келди. Пўлат ва қуйма темир экспорти учдан бирдан кўпроққа ошиб, 188,4 миллион долларни ташкил этди.

Яна 1,63 миллиард доллар (+18,9 фоиз) озиқ-овқат маҳсулотлари, асосан мева-сабзавот маҳсулотлари (1,15 миллиард доллар) экспортига тўғри келди. Ўсимлик ёғи ва ёғларни етказиб бериш 16,4 бараварга ошиб, 20,5 миллион долларга етди.<sup>1</sup>

Кимё маҳсулотлари 1,3 миллиард доллар билан учинчи ўринни эгаллади, бу ўтган йилга нисбатан 15,1 фоизга кўпдир. Шундан 409,9 миллион доллари ўғитлардан тушган. 2022-йилда Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти қарийб 20 фоизга ошди. 2022-йилнинг январ-декабр ойлари яқунларига кўра, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми 1134,3 миллион АҚШ долларини, жисмоний кўрсаткичда 1730,6 минг тоннани ташкил этди. 2021 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш

---

<sup>1</sup> <https://stat.uz/uz/>

суръати 18,5 фоизни ташкил этди. Мева-сабзавот экспортида энг катта улушни узум (шу жумладан қуритилган) - 24,7%, ловия - 8,2%, шафтоли - 6,0%, помидор - 5,1%, хурмо - 4,6%, пиёз - 3,7%, пиёз - 3,7%, карам - 3,5%, қовун ва тарвуз - 3,3%, эстФруит хабар беради. 2022 йилнинг январ-декабр ойларида мева-сабзавот маҳсулотларининг умумий экспортдаги улуши 5,9 фоизни ташкил этди. Ўзбекистондан мева-сабзавотларни асосий импорт қилувчилар: Россия (42,5%), Қозоғистон (18,9%), Хитой (9,1%), Покистон (8,8%), Қирғизистон (3,7%), Афғонистон (2,7%), Туркия (2,7%), 2,2%, Беларус (1,7%), Озарбайжон (1,1%), эрон (1,2%).

Ўзбекистон жаҳон озиқ-овқат бозорининг асосий иштирокчиси бўлиб, мамлакатимизда 70 дан ортиқ турдаги мева ва сабзавотлар етиштирилади. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми 1230,6 минг тоннадан ортиқни ташкил этиб, 874,5 миллион АҚШ долларига етди (ўсиш суръати – 37,5 фоиз). Мева-сабзавот маҳсулотларидан 670,1 минг тоннадан ортиқ сабзавот (ўсиш 84,0 фоизга ўсди) 307,6 миллион АҚШ долларига, мева ва резаворлар 307,6 минг тоннаси (ўсиш 108,1 фоизга ўсди) сўм миқдорида экспорт қилинди.<sup>2</sup>

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, – “Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат”<sup>3</sup>.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар кичик бизнес

<sup>2</sup> <https://epauzb.uz/why-uzbekistan?lang=ru>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 25 декабр 2017йил.

ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини янада кенгайтириши ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиши йўлида кенг имкониятларни очиб бермоқда. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. “Маде ин Узбекистан” ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда.

**Муаммонинг қўйилиши.** Бозор иқтисодиётида юз бераётган турли ижтимоий, иқтисодий ҳодисалар мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳитни яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва руҳсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини тадбиқ этишни талаб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун имкон қадар мақбул шароитлар ва муҳит, имтиёзлар ва афзалликлар яратиш, ҳар томонлама кўмак бериш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш бўйича тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чунки иқтисодиётнинг бу соҳаси жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг кафолати ва таянчи ҳамда мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи кучдир. Мазкур соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш ички бозорни рақобатбардош ва сифатли

маҳсулотлар билан тўлдириш, биринчи навбатда, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, шу асосда аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасидаги энг муҳим устувор вазифа – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосида аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Аммо соҳани янада ривожлантиришда ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Биргина мисол, “Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Жаҳон банкининг ҳисоботига кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда тургани ачинарли, албатта. Айтайлик, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, бизда бунга 1 ойлаб муддат сарфланади”<sup>4</sup>.

Ҳозирги вақтда экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг сифатини янада ошириш, уларни қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, мавжуд норматив-ҳуқуқий

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 25 декабр 2017йил.

хужжатларни такомиллаштириш ва бошқа бир қатор йўналишларда тизимли ишларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Транзит давлатлар, хусусан, Туркменистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак.

**Натижа.** Республикамиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилиш географиясини диверсификациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ташқи бозорларда маҳаллий экспортга етказиб берувчи ташкилотларнинг маҳсулотларини рақобатдошлигини ошириш мақсадида тадбиркорларнинг ўзлари ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилиш, янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинларида чет эл валютасида олдиндан тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз шартнома миқдори 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмасдан, товарлар экспорт қилинган кундан бошлаб 90 кун ичида мажбурий валюта тушуми келиб тушиши таъминланиши амалга ошириш белгиланди.

Давлат томонидан кичик бизнесни ривожлантириш орқали иш билан бандлик соҳасида фаол сиёсат олиб боришнинг бу ва бошқа тадбирларини иш билан таъминлаш бўйича давлат функциялари (янги иш ўринлари яратиш ёки янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қуватлаш), деб ҳисоблаш керак.

Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқида 20,0 миллиондан кўпроқ кичик бизнес субъектлари фаолият олиб бориб, 90,0 млн.га яқин одамни иш билан таъминламоқда. Бу корхоналарнинг 99,8 % да (улардан 91,8 % - ёлланма ходимлар сони 10 кишидан кам бўлган микрофирмалардир) 250 нафар одам ишлайди. Кичик бизнеснинг бу субъектлари ҳисобига жами иш жойларининг 67,4 % тўғри келади<sup>5</sup>.

**Хулоса.** Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аҳоли даромадларининг ошиши кўп жиҳатдан минтақаларда кичик корхоналар сонининг ошишига боғлиқ. Шу муносабат билан республикаимиз минтақаларида кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, республикаимиз минтақаларида кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнесни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иқтисодий жиҳатдан қолоқ қишлоқ аҳоли пунктларида кичик бизнес учун солиқ ва бошқа имтиёзларини жорий этиш;
- кичик бизнес корхоналарини давлат эҳтиёжлари учун зарурий ишларни бажаришга жалб этиш, турли пудрат ишларига иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган товарларни ички ва ташқи бозорларда сотишга ёрдам бериш;

---

<sup>5</sup>«European SME's under Pressure» annual Report on EU SME's 2015.

[http://ec.europa.eu/enterprise/sme/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/enterprise/sme/index_en.htm) The European Commission's Portal for small businesses.

- бозор инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда йирик шаҳарларда фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси субъектларининг филиалларини ташкил этишни рағбатлантириш;
- кичик бизнес соҳасида ишловчиларни ўқитиш учун бизнес-мактаблар, касбий маҳорат мактаблари тармоғини кенгайтириш;
- кичик корхоналарнинг хом-ашё, асбоб-ускуна, технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси бўлганлиги билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Жумладан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади;

- иқтисодий фаол аҳоли учун кичик бизнес тузилмаларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақбулроқдир. Бу уларга ташаббус кўрсатиш

ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади;

- бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан: тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, сирпанувчан иш графиги шакллари қўллаш мумкин.

### **Адабиётлар рўйхати.**



1. “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 30.09.2022 йилдаги ПФ-228-сон.

2. 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори

3. 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3157-сонли “Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори

4. 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони

5. 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3009-сонли “«Ўзтадбиркорэкспорт» акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 25 декабр 2017йил.

7. <https://stat.uz/uz/>.

8. <https://epauzb.uz/why-uzbekistan?lang=ru>